



---

**COURSE: CORPORATE GOVERNANCE**  
**LECTURE 8. CORPORATE ASSOCIATIONS AND THE MECHANISM  
OF CORPORATE GOVERNANCE IN THEM**

**HOME WORK WITH ANSWERS**  
**XUSAINOV SH. PhD**

---

**КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ - ФАНИ**  
**8 – МАВЗУ. КОРПОРАТИВ БИРЛАШМАЛАР ВА УЛАРДА**  
**КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИ**  
**МАЪРУЗАЧИ: ХУСАИНОВ Ш., и.ф.н., доцент**

**УЙ ВАЗИФАСИ ЖАВОБЛАРИ БИЛАН**  
**ХУСАИНОВ Ш., и.ф.н., доцент**

**САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШИНГИЗ КЕРАК:**

**1. Корпоратив бирлашиш ва қўшиб олишларнинг ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти нималарда намоён бўлади?**

**Жавоб:** Корпоратив бирлашиш ва қўшиб олишлар ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида компанияларнинг молиявий барқарорлигини сақлаб қолишда ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар куни жаҳонда кўплаб компаниялар ўртасида қўшиб олиш ва бирлашиш бўйича битимлар тузилади. Бу жараёнлар компанияларга ўз фаолиятини кенгайтириш ва бозорда ўз улушини ошириш имконини беради. Бирлашишлар ва қўшиб олишлар орқали компаниялар ўз манфаатларини максималлаштириш, янги молиявий ва технологик имкониятлардан фойдаланиш ҳамда янги бозор устунлигини қўлга киритишга ҳаракат қилишади. Масалан, битта компания иккинчи компанияни қўшиб олиши орқали рақобатни камайтириш ва кўпроқ ресурсларни марказлаштириш имкониятига эга бўлади. Шу сабабли корпоратив бирлашишлар компанияларнинг стратегик ривожланиш режаларининг марказий қисми бўлиб қолмоқда.

**2. Қўшиб олиш жараёни қандай амалга оширилади ва бу жараённинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?**

**Жавоб:** Қўшиб олиш жараёни бир компаниянинг бошқа компанияни сотиб олиши ва унинг устидан тўлиқ назорат ўрнатишидан иборат. Қўшиб олинган компания юридик шахс сифатида ўз фаолиятини тугатади ва



унинг барча активлари, мажбуриятлари қўшиб олган компания тасарруфига ўтади. Бу жараёнда қўшиб олиш битимлари икки турдаги бўлиши мумкин: дўстона ва дўстона бўлмаган. Дўстона қўшиб олишда ҳар икки компания ўзаро келишувга келиб, битимга рози бўлади, шунингдек, улар ўз фаолиятларини бирлаштиришади. Дўстона бўлмаган қўшиб олишда эса қўшиб олинувчи компания бу жараёнга қарши бўлиши мумкин, лекин ресурслар етишмаслиги сабабли ўз фаолиятини мустақил давом эттириш имкониятига эга эмас. Қўшиб олиш жараёнида асосий мақсад — бозорда устунликка эга бўлиш, рақобатни камайтириш ва қўшиб олинган компаниянинг ресурслари ҳамда технологияларидан самарали фойдаланишдир.

### **3. Бирлашиш жараёнининг асосий хусусиятлари нималардан иборат ва у қандай ҳолларда амалга оширилади?**

**Жавоб:** Бирлашиш жараёнида, одатда, молиявий жиҳатдан тенг кучга эга бўлган икки ёки ундан ортиқ компаниялар ўз бизнес фаолиятини битта компанияга бирлаштиришга қарор қилишади. Бу ҳолатда янги компания тузилади ва унинг таркибига қўшилган компанияларнинг барча активлари ва мажбуриятлари киритилади. Бирлашишнинг асосий хусусияти шундаки, янги ташкил этилган компания рақобат устунлигини қўлга киритиш, янги имкониятлар яратиш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадини кўзлайди. Бирлашиш жараёнида ҳам баъзан битта компания иккинчи компанияни қўшиб олиши мумкин, лекин бу жараён юридик жиҳатдан “бирлашиш” деб аталади. Шу билан бирга, янги компания фаолияти бозорда юқори самарадорликка эришиш ва ўз улушини оширишга қаратилган бўлади.

### **4. Горизонтал ва вертикал қўшиб олишлар ўртасидаги асосий фарқ нима?**

**Жавоб:** Горизонтал қўшиб олишларда бир соҳадаги, ўзаро рақобатчи компаниялар бирлашади. Бу, асосан, бозор улушини кенгайтириш ва рақобат устунлигини ошириш мақсадида амалга оширилади. Масалан, икки банкнинг қўшилиши орқали молиявий хизматларни кенгайтириш ёки хизматлар сифатини ошириш мақсад қилинади. Бундай қўшилишлар бозордаги иштирокчилар сонини камайтиради ва катта компанияларга рақобат устунлигини беради. Вертикал қўшиб олишда эса компаниялар таъминот занжирининг турли босқичларида фаолият юритувчи бошқа компанияларни бирлаштиради. Бу турдаги бирлашишнинг мақсади ишлаб чиқариш ёки тақсимот жараёнларида самарадорликни оширишдир.



Масалан, авиакомпания туризм агентлигини қўшиб олиши орқали йўловчиларга комплекс хизмат кўрсатишни таъминлайди.

## **5. Компанияларнинг бирлашиш ёки қўшиб олиш жараёнида учраши мумкин бўлган асосий камчиликлар нима?**

**Жавоб:** Бирлашиш ва қўшиб олиш жараёни бир қатор камчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Биринчидан, ҳар икки компания акциядорларининг розилиги талаб этилади, бу эса вақт ва қийинчиликларни кўпайтириши мумкин. Иккинчидан, молиявий харажатлар кўпаяди, жумладан, юридик маслаҳатлар ва аудит текширувлари харажатлари ҳам юқори бўлади. Шунингдек, маданий зиддиятлар – айниқса трансмиллий бирлашишларда – компанияларнинг интеграция жараёнини мураккаблаштириши мумкин. Ҳодимлар билан боғлиқ муаммолар, хусусан, ишсизлик хавфи ва ишончсизлик каби ижтимоий муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бирлашиш жараёнида компаниялар нотўғри баҳолаш туфайли катта молиявий рискларни қўлга киритиши мумкин.

## **6. Корпоратив бирлашиш ва қўшиб олишларнинг асосий мақсадлари нималардан иборат?**

**Жавоб:** Бирлашиш ва қўшиб олишларнинг мақсадлари компаниялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, таъминот занжирини яхшилаш, такрорланувчи вазифаларни бартараф этиш, молиявий кўрсаткичларни яхшилаш, фаолиятни диверсификация қилиш, рақобатни камайтириш, ва иқтисод қилиш имкониятига эришишдан иборатдир. Масалан, қўшиб олинган компанияга замонавий бошқарув технологиялари жорий этиш орқали фаолият самарадорлигини ошириш мумкин. Шу билан бирга, вертикал қўшиб олиш орқали ресурслардан самарали фойдаланишга ва таъминотчилар билан самарали ишлашга эришилади. Рақобатни четлаб ўтиш ва бозорда устунликка эришиш ҳам бирлашишнинг асосий сабабларидан биридир, чунки бирлашиш орқали компаниялар ўз бозордаги улушини кенгайтириб, монопол мавқега эга бўлиши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Corporate governance: principles, policies and practices, Tricker B. / Oxford, 2015
2. Zamonaviy korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirezayev S./T.: "Iqtisodmoliya". 2019



3. Korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirzayev S./ T.: “Zebo Print“, 2021

4. -Korporativ boshqaruv: muammolar va zamonviy yechimlar. Suyunov D.X., Xoshimov E.A., Xusainov Sh.A./ Toshkent: Biznes va tadbirkorlik oliy maktabi, 2021